



# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 16-dekabr. Seshanba ● 151 (31.898) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 декабрь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Кролнинг мамлакатимиздаги дипломатик миссияси тугаётгани муносабати билан қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ўзаро манфаатли барча соҳаларда изчил ривожланётганини таъкидлади. Президентимиз элчи Жорж Кролнинг мамлакатларимиз ҳамкорлигини мустақамлашга қўшган ҳиссасини юқори баҳолади.

Америкалик дипломат самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондаги фаолияти давомида муҳим сиёсий воқеалар, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги самарали ўзгаришлар гувоҳи бўлганини таъкидлади. Булар Ўзбекистонни халқаро миқёсдаги ишончли ва истиқболли шериклар қаторига олиб чиқмоқда.

Сўхбат чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

## 21 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов куни!



САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА

Бугунги кунда республикаимиздаги барча сайлов участкалари сайловларни муносиб ўтказиш учун шай ҳолатга келтирилди. Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 17-умумтаълим мактабда ташкил қилинган 429-сайлов участкасида сайловчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Сайлов участкамиз тумандаги

намунали участка, деб топилган, — дейди сайлов участкаси раиси Ҳақиқат Ҳамроева. — Бу ерда сайловчи кутубхонаси, она ва бола, тиббий ёрдам хонаси барча кераклик воситалар билан жиҳозланган. Шунингдек, сайлов участкамизда «Биринчи марта овоз берувчилар бурчаги» ташкил этилган.

Сайловда ҳудудимизда истиқомат

қилаётган уч минг беш юз нафардан ортиқ сайловчи овоз бериши кутилмоқда. Сайлов куни уларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Яъни, маҳалла фаоллари билан биргаликда сайловда қатнашиш, овоз бериш тартиби билан боғлиқ масалаларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

## СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА Ўзбекистонда халқаро талабларга тўла жавоб берадиган сайлов тизими яратилган

Шу йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловларни кузатиш жараёнида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юздан зиёд вакил иштирок этиши кутилмоқда. ЎЗА мухбирлари мамлакатимизга ташриф буюрган халқаро кузатувчиларнинг айримлари билан учрашиб, уларнинг таассуротлари, сайлов жараёнилари тўғрисидаги фикрлари билан қизиқди.

Йошико КАБАТА,

Токио қишлоқ ҳўжалиги ва технологиялар университети профессори (Япония):

— Ўзбекистон Республикаси сайловига оид барча қонун ҳужжатлари, уларга киритилган ўзгаришлар билан танишиб чиқдим. Мамлакатимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқининг амалда ижросини таъминлаш мақсадида халқаро талабларга тўла жавоб бера оладиган сайлов тизими яратилган.

Халқингиз сайлов руҳи билан яшаётганининг гувоҳи бўлдим. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган мақолалар, теле-радио каналлари орқали намойиш этилаётган аксарият кўрсатув ва эшитиришлар сайловга бағишланган, кўчалар ва биналарда депутатликка номзодларнинг плакатлари ҳамда сайловчиларни овоз беришга чорловчи шioriлар осилган. Телевидение орқали сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка

номзодларнинг чиқишларини, уларнинг сайловдаги ташвиқотлари ва баҳс-мунозараларини кўрдим. Бу жараён гоёт қизғин ва фаол ўтаётгани сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида муносиб номзодни танлаш имкониятини кенгайтиради.

Депутатликка номзодланган сайлов ичиди хотин-қизлар вакилларининг кўпчилиги мамлакатимиз сайлов тизимидаги ютуқлардан дандир. Ўзбекистон қонунчилигида мувофиқ, Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига номзодлар орасида хотин-қизлар учун 30 фоиз квота белги-ланган мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилётган кенг кўламли ишларнинг амалии самарасидир. Ўзбекистонда бу борада эришилган ютуқларга ҳавас қилса арзийди.

Евгений СЛОБОДА,

МДХ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи:

— Миссиямиз вакиллари шу кунгача Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги сайлов участкалари билан танишди. Барча сайлов участкаларида сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистонда сайловларни демократик руҳда ўтказиш учун жуда кўп иш

қилинган. МДХ кузатувчилар миссияси Ўзбекистонда ўтган олдинги парламент сайловларида ҳам қатнашган. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилиги тақомиллашиб, энг юқори демократик талабларга тўлиқ жавоб беради. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлигини таъминлаш кафолатлари кучайтирилган.

Борис ҚАНДОВ (АҚШ):

— Ўзбекистон мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Халқ фаровонлиги муттасил ошиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Бу Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг гоёт тўғри ва ҳаётий эканидан далолат беради. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тахсинга сазовор.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида оид ҳужжатлар билан танишиб, бу борадаги барча саволларимга тўлиқ жавоб топдим. Мамлакатимизда сайлов

тизими ва уни ўтказиш жараёни тобора тақомиллашиб бораётгани, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат тасминлигига риоя қилиш борасида олиб борилётган ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистонда сайловчилар учун барча кулай шарт-шароит яратилган. Депутатликка номзодлар орасида ёш авлод вакиллари кўпчилиги диққатимни тортиди. Бу мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган улкан эътибордан далолатдир.

ЎЗА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

## ПАРТИЯЛАРАО БАҲС

Мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараён — вакиллик ҳокимиятига бўладиган сайловларга саноқли кунлар қолмоқда. Ҳозирда фуқароларимиз зиммасида Ўз қонуний ҳуқуқларида фойдаланиб, Ватанимиз келажиги, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, қолаверса, одамларнинг эртанги кунини белгилаб беришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сайловда муносиб қатнашишдек масъулиятли вазифа турибди.

## Сайловолди дастури сиёсий партиянинг мақсад-муддаосини белгилайди

Лекин популистик, умумий гаплар, пуч ваъдалар билан ишонч қозониб бўлмайд

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинган йилнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бугунги сиёсий жараёнларга тўхталиб, сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу конституциявий ислохотларнинг энг муҳим асоси, уларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарт ва гаровига айланмоқда, дея алоҳида таъкидлади.

Демак, бугунги сайловчи ҳар бир сиёсий партиянинг фаолиятига қараб, ундан кўрсатилган номзодларга овоз беради. Бундай пайтда сайловчилар, энг аввало, сиёсий партия ҳамда унинг номзодларини Сайловолди дастурига эътибор қаратади. Шундан бўлса керак, қайси сиёсий партия вакиллари

сайловларда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлишида сиёсий кучлар томонидан белгилаб олинган Сайловолди дастури, яъни, ўз зиммаларига олган вазифалар мажмуасининг қанчалик ҳаётий ва долзарб эканлиги, халқ, айниқса, электорат манфаатлари қай даражада чуқур ифодалангани муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиздаги барча сиёсий партияларнинг яқин беш йилга мўлжаллаган Сайловолди дастури эълон қилинди. Албатта, уларнинг ҳар бири, энг аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олишини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, долзарб масалаларни, энг муҳим мақсадларни ўзида мужассам этган.

► Давоми 2-бетда.

## Бизнинг номзодларга овоз беринг!

Ўзбекистон ХДП давлат ва жамият қўллаб-қувватлашига эҳтиёжман аҳоли қатлами манфаатлари, ҳаётий эҳтиёжларига оид қонунлар ва бошқа қарорларни тайёрлаш ҳамда қабул қилишда очиқлик таъминланишини ёқлайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга мамлакатимизнинг барча ҳудудларида пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда сайловчиларни сиёсий партияларнинг Сайловолди дастурлари билан таништириш ишлари, депутатликка номзодларнинг сайловолди учрашувлари қизғин давом этапти.

2

## ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

### «Биз сайловда фаол ва муносиб иштирок этамиз»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ёшлар фаоллигини ошириш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бораёпти. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент молия институтида ташкил этилди.

ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ташкил этилган тадбир «Сайловлар — демократия кўзгуси» мавзусида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, институт ўқитувчи ва талабалари ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари мамлакатимиз сайлов тизимидаги ўзгаришлар, қонунчиликдаги янгилар ҳамда ёшларнинг сайловга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ҳақида фикр алмашди.

— Бугун сайланган ҳар бир де-

путат эртага аҳолининг манфаати учун елиб-югуриши керак, — дейди ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова. — Шунинг учун депутатликка номзодларга овоз беришда уларнинг ташаббускорлиги, одамлар билан ишлаш қобилияти, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигига жиддий эътибор бериш керак. Номзодлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун улар билан бўладиган учрашувларда нафақат номзоднинг сайловолди дастури билан танишиш лозим, балки ҳар бир фуқа-

ро ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши керак. Шунда қайси номзодга овоз бериш ҳақидаги қарор ҳолисликка таянади.

— ЎзХДПнинг аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган дастурий мақсадлари менга маъқул келиб, шу партияга аъзо бўлганман, — дейди Тошкент молия институтига талабаси Нилуфар Усмонова. — Бугун ўзим хайрихоҳ бўлган партиянинг фаоллари, депутатлари билан ижтимоий-сиёсий ислохотлар, сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳақида сўхбат қурдик. Бу тадбир партияга ишончимни янада мустаҳкамлади. ЎзХДПнинг ёш аъзоси сифатида сайловларда фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Юлдуз ҲАЙДАРОВА

Покиза ҲАМИДОВА, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 228-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Мен ҳар куни ўқувчиларимга янгича услубда дарс ўтишга ва муҳим маълумотлар беришга ҳаракат қиламан. «Ўзбекистон овози» газетасида таълим-тарбия мавзусидаги мақолалардан кўнглим тўлади. Менинг назаримда мактабни, муаллимни қадрлашни «Ўзбекистон овози»дан ўрганиш керак. «Ўзбекистон овози» менинг ишончли ва яқин маслақдошим. Уни доимо ўқийман, ундан ўрганаман.

2015

Обуна давом этмоқда «ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ! Обуна индекси — 220

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Тошкент архитектура ва курилиш институтида «Сайловларда фаол иштирок этиш — менинг фуқаролик бурчим» мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Унда билдирилган фикрлар, сайловда биринчи мартаба иштирок этаётган ёшларнинг мулоҳазалари билан газетамизнинг келгуси сониди танишишингиз мумкин.



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга

www.uzbekistonovozi.uz



# БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИДА

Анджон вилояти 11-Бўз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, Ўзбекистон ХДП партияси Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов сайловчилар билан қатор учрашувлар ўтказди.

Юзма-юз мулоқотлар давомида номзод сайловчиларга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури, унинг ҳаётимиздаги аҳамиятли жиҳатлари ҳақида батафсил маълумотлар берди. Хусусан, номзод партия электорати ҳисобланган ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш жойлари ташкил этиш, ишчи-ходимлар учун муносиб меҳнат муносабатларини яратиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ва коммунал хизматлар сифатини ошириш масалалари, уларни ҳал этиш бўйича ҲДП илгари сураётган гоёлар қанчалик муҳимлигини аниқ мисоллар асосида қиёслаб берди.

Сайловчилар Халқ демократик партиясининг ўтган сайловдан буюн эришган ютуқлари, амалий ишлари билан қизиқишди, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиш кафолатини мустаҳкамлаш, пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг янада самарали тизимини жорий этиш масалаларида саволлар билан мурожаат қилди. Хотамжон Кетмонов ҲДП мамлакатимизда катта сиёсий таърихга эга бўлган партия эканини таъкидлаб, берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Таъкидлаш кераки, номзодлар билан бўлаётган учрашувларда сайловчиларнинг ҳуқуқий билими, сиёсий фаоллиги ошгани яққол намоён бўлмоқда. Улар ўз шахсий муаммоларини эмас, кўпроқ ҳудудларга, жамиятга дахлдор масалаларни кўтаришмоқда.

Тошкент шаҳридаги 128-Саноат сайлов округи ҳудудида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар билан учрашувлар бахс-мунозараларга бой бўлди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Рустам Комилов ҳам иштирок этди. Мазкур сайлов округи ҳудудида кўп



Эмиржон СОТИБОЛДИЕВ олган сурат.

корхона-ташкilot ҳамда таълим муассасалари жойлашгани боис, учрашув чоғида асосий эътибор аҳоли бандлиги масалаларига қаратилди. Номзоднинг таъкидлашича, меҳнатга лаёқатли аҳоли кўп бўлган ҳудудларда аҳолининг барқарор равишда етарли маош олиб туришини таъминлаш мақсадида саноат корхоналарини ривожлантириш ва янги иш ўринлари ташкил этишни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган махсус минтақавий жамғармалар тузишни рағбатлантириш лозим. Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳар миқёсида коллеж битирувчиларининг мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашга қаратилган янада тизимли режаларни ишлаб чиқиш, уларни ижро этиш бўйича масъулиятни ошириш зарур.

Учрашув чоғида туман аҳолиси, ўқувчилар ҳамда талаба-ёшлар Халқ демократик партиясининг ушбу масалалардаги позициясига катта қизиқиш билдирди, номзод билан қатор масалалар ҳақида фикр алмашишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Бизнинг номзодлар билан яқиндан танишинг ва улар учун овоз беринг!

ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

«Биз ЎзХДПдан кўрсатилган номзодлар учун овоз бермоқчимиз» — наманганлик кўпгина сайловчилар шундай дейишмоқда

## ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти томонидан Ўзбекистон Миллий университетига ўтказилган ўқув-семинарда шу ҳақда фикр юритилди. Унда депутатлар, қанот фаоллари, профессор-ўқитувчилар, бу йилги сайловда биринчи марта овоз берадиган талаба-ёшлар қатнашди.

## ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САЙЛАНИШИ КЕРАК

— Сайловда иштирок этиш, номзодлар ва уларнинг дастурлари билан яқиндан танишиб, фақат энг муносибларни танлаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матякубова. — Мамлакатимиз парламентида, халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашилари қандай инсонлар ишлаганини хоҳлайсиз? Бу борада кўпчиликнинг ўз фикри, муносабати, айтиш мумкин, позицияси бор. Сайлов кунини ҳар биримиз сайлов варақасига белги қўяр эканмиз, ана шу позициямизни намоён этган бўламиз.

Бу йилги сайловлар жаҳон таърибасида синодан ўтган халқаро андозага мувофиқ ўтмоқда. Қолаверса, ўтган 2009 йилги сайловларда мамлакатимизда, шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш бўйича муайян та-



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

риба тўпланди. Табиийки, фуқароларимиз энг дунёқарашда ҳам ўзгариш, юксалиш юз берди. Демак, бу йилги сайлов юқори савияда ўтади, дейишга асослар етарли.

— Бўлажак сайлов сиёсий партиялар учун ўта муҳим синов ҳисобланади, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори масъул ходими Фароғат Курбонова. — Бизнинг мамлакат ривожига дахлдор бўлган давлат бошқарувидаги ролими сайлов натижаларига бевосита боғлиқ бўлади. Шунингдек таъкидлаш кераки, қонунга мувофиқ депутатлик кўрсатилган номзодларнинг камидан 30 фоизи — хотин-қизлар. Партияимизнинг дастурий мақсадларидан бири жамиятга аёллар фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишга эришиш ҳисобланади. Биз партияимиз «Фаол аёллар» қаноти ишларини ҳам айнан шу мақсадга йўналтирганмиз.

— Бугунги давра суҳбати давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури, мақсад-гоялари ҳақида керакли маълумотларга эга бўлдим, — дейди Ўзбекистон Миллий университети 3-курс талабаси Алишер Жумаев. — Партиянинг, айниқса, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш, кам даромадли оилаларнинг қобилиятини ва истеъдодли фарзандларини эрта аниқлаш, уларга давлат грантлари ажратиб орқали қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш каби гоёлари менга маъқул бўлди. ЎзХДП фаолияти билан янада яқинроқ танишиш истиғи тугилди. Бу менга муносиб номзодни танлашда катта ёрдам беради, деб ўйлайман.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашиларига ўтадиган сайловлар олдидан қандай гоёларни олган сурмоқда? Бу ҳақда мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

Нурали ОРИПОВ

## ПАРТИЯЛАРАО БАҲС

# Сайловолди дастури сиёсий партиянинг мақсад-муддаосини белгилайди

Лекин популистик, умумий гаплар, пуч ваъдалар билан ишонч қозониб бўлмайди

Бироқ сиёсий партияларнинг Сайловолди дастурларини кўздан кечириб, уларда қайд этилган айрим «вазифалар» сиёсий саводхонлик ва аниқликдан йироқ бўлган, умумий қарашлар ва фикрлардан иборат эканлигини пайқаш қийин эмас. Хусусан, ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга назар ташлайдиган бўлсак, айрим масалаларда бир ёқлама, фақатгина муайян қатлам манфаатлари олган сурилатганининг гувоҳи бўламиз.

Мисол учун, партия жамият учун хавфи катта бўлмаган ва жиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жиноий жавобгарликни либераллаштириш зарур, деб ҳисоблайди. Хусусан, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган, жумладан, муддатга ўтиб кетган товарларни сақлагани ва сотгани учун жиноий жавобгарликни декриминалиштириш, яъни жиноий ҳуқуқбузирлик таркибидан чиқариб ташлашни тақлиф қилапти. Шу ўринда ўйлаб кўрайлик. Юқоридаги «тақлиф» истеъмолчилар, кенг аҳоли қатламлари манфаатларига қанчалик тўғри келади? Бу аҳолининг соғлиғи, ҳаётига хавф тугдирмайди, уларга моддий ва маънавий зарар келтирмайди, деб ким кафолат беради?! Ҳозирда дунё таърибасига эътибор қаратадиган бўлсак, иқтисодий жиноятларга нисбатан янада қатъийроқ қоралар кўрилатганининг гувоҳи бўламиз. Чунки бу турдаги жиноятлар бир киши эмас, минглаб инсонларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказишини ҳисобга оладиган бўлсак, масаланинг моҳияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Қолаверса, муддатга ўтиб кетган товарни сотишдан ноҳалол тадбиркорлар фойда кўради, кам таъминланган оилалар, пенсионерлар, жимсоний имконияти чекланган кишилар, бюджетдан даромад олаётган фуқаролар, хуллас, минг-минг-

лаб кишилар зарар кўради. Шунинг учун бу борадаги масалаларда шовша-шошарликка, юзакчиликка берилмасдан, кўпчилик манфаатларини ўйлаб, тадбиркорларнинг масъулиятини янада ошириш қораларини кўриш зарур, деб ҳисоблай-миз.

Биз либерал партиянинг Сайловолди дастуридан биргина мисол келтирдик, холос. Лекин синчилаб қаралганда мазкур партиянинг Сайловолди дастурида қатор муҳим қарашлар, тағи пуч фикрлар, ҳақиқатдан йироқ тақлифларни кўриш мумкин.

«Адолат» СДП партияси эса Ўз Сайловолди дастурида «Суд тизимини комплекс ривожлантириш» масалаларида ҳуқуқий ислохотларни амалга оширамиз, деб даъво қилмоқда. Янги тақлиф, аниқ фикр айтилмайпти. Бизнингча, мамлакатимизда бу борада жуда катта ислохотлар ўтказилмоқда. Яъни, дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда жиноий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизминини изчил ривожлантирган ҳолда «Хабас корпус» институтини қўллаш доираси кенгайтирилди. Қизиқ савол туғилади, «адолатчилар» суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш орқали айнан нима қилмоқчи? Нимани ўзгартирмоқчи?

Партия, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлашга ҳам «бел боғлаган». Экологик ҳаракатга тааллуқли бўлган муаммоларга аралашиб кетиши эса мазкур партиянинг сиёсий стратегияси мустаҳкам эмаслигини кўрсатмайдими?

Шу билан бирга, «адолатчилар» ОАВ мустақиллиги ва эркинлигини янада мустаҳкамлаш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқти-

содий ислохотларнинг очик ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш масаласини кўтариб чиқмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Оммавий ахборот воситалари, Ахборот эркинликлари принциплари ва кафолатлари, Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари, Телекоммуникациялар, Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида ўнга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилган. Уларнинг барчасида оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борада янги долзарб масалалар илгари сурилган. Ҳўш, «адолатчилар» бу борада яна айнан қандай янгилик қилишмоқчи? Сайловолди дастури эса умумий гаплардан иборат бўлиб қолмоқда. Ҳукумат томонидан белгиланган Дастур ёки амалга оширилаётган ишлар атрофида ўралашиб қолиш билан жамиятга фойда келтириб бўлмайди.

Сиёсий партия Сайловолди платформасида илгари сураётган масалалар ҳаётга яқин бўлиши ва айнан ўша соҳа ёки тармоқдаги муаммоларга, камчиликларга қаратилиши зарур. Ушандагина сайловчилар сиёсий партияга ишонди ва уни қўллаб-қувватлайди. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Кейинги йилларда миллий менталитетимиз, миллий гоёмизга зид бўлган иллатларни тарғиб этиш, ёшларнинг онгини турли зарарли гоёлар билан захарлаш, бузғунчи қарашларни тарғиб этишда глобал интернет тармоғининг «ҳиссаси» тобора ошиб бормоқда. Бироқ энг ажаблანарли томони — миллий қадриятларни тиклаш, асрий анъаналарни сақлаб қолиш, миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари, деган баландпарвоз қарашларни илгари суришни даъво қиладиган

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг бу галги Сайловолди платформасида эса интернет хавфсизлиги масаласида «ломим» дейилмайди. Аксинча, аввалги Сайловолди дастурида белгилангани каби ўғил-қизларнинг мафуравий иммунитетини оширамиз, миллий гоё руҳида тарбиялашга ҳисса қўшамиз, деган умумий гап-сўзлар билан чекланиб қолинган. Ваҳоланки, миллий гоёмизга, ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган бундай хавф-хатар «Миллий тикланиш» демократик партиясини жиддий ташвишга солиши ва бу масала учунинг Дастуридан кенг жой олиши лозим эди, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, партия ўз дастурида бугун жаҳон жамоатчилигига қандай равшан бўлган интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш масаласини ўртага қўётган бўлса-да, бу йўналишда, яъни одамларни зарарли ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш борасида бирор-бир аниқ тақлиф билдирмаганлигини қандай изохлаш мумкин?..

«Миллий тикланиш» ҳам ўз дастурини яратишда «Адолат» СДПнинг йўлидан борган кўринади. Мисол учун, партия Сайловолди дастурида нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъатининг кўпдан-кўп йўналишларини ҳам чуқур ўрганиш ва ютуқларини ўзлаштириш, санъаткор, айниқса, ёш хонанда ва созандалимизнинг халқаро нуфузли танловлар ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишга «эришиш»га урғу бермоқда. Аслида эса мамлакатимизда бу йўналишда давлат дастурлари қабул қилиниб, барча ҳудудларда болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилган. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида бугун истеъдодли ёшларимиз жаҳон сахналарида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Мустақиллик йилларида юзлаб Ўзбекистон ёшлари нуфузли халқаро танловларнинг

олиш, касб-хунар ўрганиш кафолатларини мустаҳкамлаш ва буларнинг аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирди. ЎзХДП Сайловолди дастурининг ҳаётий ва устувор жиҳатлари ҳақида тўхталди.

Сайловчилар мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар, бу борада ЎзХДП илгари сураётган гоёлар, лойиҳалар хусусида саволлар билан мурожаат қилди. Депутатликка номзод уларга батафсил жавоб берди.

— Бугунги сайловчи олдинги сайловлардаги нисбатан ҳар томонлама фаоллашган, — дейди сайлов округи ҳудудидаги 596-сайлов участкаси котиби Шавкатжон Мирабдуллаев. — Улар депутатликка номзодлар билан учрашувлар жараёнида ўз савол ва тақлифларини дадиллик билан билдирмоқда. Ўз ҳудудидаги масалаларни асослаб ўртага қўймоқда. Умуман, номзодлар ва сайловчилар ўртасида бўлиб ўтаётган учрашувлар таҳлили бу йилги сайловлар ҳар томонлама юқори савияда, кескин курашлар асосида ўтишини кўрсатмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА» ТАНЛОВИГА

# Очиқлик ва шаффофлик асосий мезон

Муҳтарам Президентимизнинг жорий йил бошида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодийнинг барча тармоқларига ва кундалик ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айни вақтда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича ишларни изчил давом эттириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда барча соҳалардаги сингари, суд-ҳуқуқ тизими такомиллашувини ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин.

Ўтган қисқа давр ичида ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳўжалик судлари фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг шаффофлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳўжалик судлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даврида, энг аввало, Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари учун қулайликлар яратиш, уларнинг вақти ва маблағларини тежаш мақсадида ҳўжалик судларида даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш тартиби жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий

ҳўжалик судининг расмий сайтида даъво ариза ва илтимосномаларни қабул қилиш бўйича марказлаштирилган электрон дастурий таъминот ишга туширилди. Мазкур дастурий таъминот орқали ҳўжалик судларида даъво аризалари ва илтимосномалар, апелляция ва кассация шикоятлари ҳамда назорат тартибидеа протест келтириш тўғрисидаги аризалар электрон шаклда ҳам тақдим этиб борилмоқда. Статистик таҳлилларга қараганда, жорий йилнинг бошидан ноябрга ойига қадар ҳўжалик судларига жами 218.913 даъво ариза ва шикоят келиб тушган бўлса, шундан 32.251 таси ёки 14,7 фоизини электрон кўринишдаги даъво аризалар ва шикоятлар ташкил қилган.

Айни пайтда суд муҳокамаси иштирокчилари ёки муурожаат муаллифларига турли хат-хабарлар ҳамда суд ҳужжатларини электрон шаклда жўнатилиши тартиби жорий этилган бўлиб, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган ҳар бир судья электрон рақамли имзо билан таъминланган. Суд ҳужжатининг ҳақиқийлиги мазкур электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Яна рақамларга муурожаат қиладиган

булсақ, жорий йилнинг бошидан 1 ноябрь кунига қадар ҳўжалик судлари томонидан суд муҳокамаси иштирокчилари, муурожаат муаллифларига жами 46 минг 626 та суд ҳужжатлари электрон кўринишда юборилган.

Ҳозирда ҳўжалик судларида иш юритишининг ягона корпоратив тармоққа, электрон маълумотлар базасига бирлаштирилган ҳолда олиб борилиши амалиётга жорий қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ва барча қўйи ҳўжалик судлари фаолиятини бирлаштирган ягона электрон маълумотлар базаси 2014 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб ишга туширилди, бунинг учун зарур сервер ва бошқа ускуналар, ахборот-коммуникация технологиялари ўрнатилди. Эндилик-

электрон базага кундалик кiritиб бoриладиган маълумотлар асосида шаклланиб бoрмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳўжалик судлари фаолиятига жорий этилган ушбу электрон маълумотлар базаси суд расислари, судьялар ҳамда ходимларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда уларнинг янада масъулиятини кучайтиришга, ҳўжалик судлари фаолиятининг очкилигини янада таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.


Ҳўжалик судларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ сўнгги янгиланган бири сифатида ҳозирги кунда суд мажлисларининг видеоқонференцалока режимида ўтказилаётганини айтиб ўтиш мумкин.

Олий ҳўжалик судининг қонунчилик ташаббуси ҳолда қўйилган фойдаланган ҳолда тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси 2014 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган, деб топил тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топи ва Ҳўжалик процессуал кодексига киритилган суд мажлисини видеоқонференцалока режимида ўтказиш билан боғлиқ мазкур ўзгаришлар жорий йилнинг 1 сентябрь кунидан бошлаб амалиётга татбиқ қилина бошланди.

Олий ҳўжалик суди Раёсати қарори билан «Видеоқонференцалока режимидаги

**Суд жараёни иштирокчиларига яшайдиган ҳудуддан чиқмасдан, вақтлари ва маблағларини тежаган ҳолда судда қатнашишга имконият яратилди**

да мазкур электрон маълумотлар базаси воситасида қўйи ҳўжалик судларининг фаолияти Олий ҳўжалик суди томонидан онлайн тарзда мониторинг ва назорат қилиб бoрилмақда. Бундан ташқари, барча статистик ҳисоботлар қўйи ҳўжалик судлари томонидан



ҳўжалик судининг мажлисини ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низоом тасдиқланди. Ушбу Низоомнинг 3-бандига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоқонференцалока режимидаги суд мажлисида таъминотида иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишига суд жараёнининг барча босқичларида йўл қўйилади. Видеоқонференцалока режимидаги суд мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш, бундай суд мажлисини ўтказиш, шунингдек, суд мажлисида тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш масалалари судья ва суд ходимлари тўлиқ рияоз этишлари лозим бўлади.

Суд мажлисларининг видеоқонференцалока режимида ўтказилаётгани натижасида суд процесси иштирокчилари, шу жумладан, ишни кўраётган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектлари ўзлари яшайдиган ҳудуддан чиқмасдан, вақтлари ва маблағларини тежаган ҳолда судда қатнашишга имконият яратилди. Видеоқонференцалока тизимининг жорий этилиши натижасида ишларни кўришда тезкорлик ва процессуал муддатларнинг тежалишига эришиляпти. Статистик кўрсаткичларга қараганда, 1 сентябрдан бошлаб ўтган икки ой ичида Республика ҳўжалик судлари бўйича видеоқонференцалока режимида жами 435 та суд мажлиси

ўтказилган бўлса, ушбу суд мажлисларида иштирок этган 909 нафар фуқаронинг вақт ва маблағлари билан боғлиқ харажатлари тежалишига эришилган. Бундан ташқари, видеоқонференцалока тизими Олий ҳўжалик судининг қўйи ҳўжалик судлари тизими билан узвий алоқасини таъминламоқда. Эндиликда судлар фаолиятига тааллуқли ҳар қандай маълумот жойлардаги судьялар тезкорлик билан етказилмоқда, масофавий йиғилишлар, семинарлар ва конференциялар ўтказилмоқда. Бунда Олий ҳўжалик суди томонидан ҳозирги вақтда ўтказилаётган турли йиғилишларда, жумладан, Раёсатнинг кенгайтирилган йиғилишлари, Пленум йиғилишлари, судьяларнинг конференциялар иштирок этиш учун сарфланаётган маблағлар ва вақтнинг тежалишига эришиляпти.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳўжалик суди тизимида амалга оширилаётган бу ислоҳотлар, аввало, одил судловни амалга оширадиган ва қонун устуворлигини таъминлайди. Ҳўжалик судларининг фаолиятини бугунги замон ва тараққиёт талабларига мос равишда такомиллаштириб бoришга хизмат қиладиган.

**Азиз ҚУДРАТОВ,**  
**Жиззах вилоят ҳўжалик судининг судьяси.**  
**Жасур АХБУТАЕВ,**  
**Суд катта маслаҳатчиси.**



## Алдамчи дорилар

фақат муаммо туғдиради

Экспертлар дунё аҳолисини дорихоналардаги алдамчи дорилардан эҳтиёт бўлишга чақирмоқда. Улар саломатлигини тиклаш эмас, балки акс таъсир этиши мумкин экан.

Клиник фармакология бўйича британиялик таниқли мутахассис Энтони Коксинг тасдиқлашча, фармацевтика компаниялари ўз дори воситаларининг шифобахшлик хусусиятларини ошириб-тошириб ёзмақда ва харидорларни алдамқоқда. Масалан, йўталга қарши дори воситаси бугунги кунда жуда кенг тарқалган. Тиббиёт мутахассисларининг айтишича, йўтал вирусли инфекция оқибатида вирусни енгса, ўшанда йўтал тўхтайдди. Таркибида канчалик жудули ингрredientлар қўшилмасин, йўталга қарши дори воситаси соғайиш жараёнини тезлатишга қудрати етмайди. Аммо йўталга «қарши» дори воситаларининг реклама бозори қақорн.



Уйқусизликни даволашга ёрдам берувчи дори воситалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, унинг таркибидеаги дифенгидрамин уйқунни тезроқ «чақириш»га кучи етмайди. Аксинча, у бош оғриғи, оғиз қуриши ва бош айлинишини келтириб чиқариши тасдиқланди.

Хашоротлар қаққанда суртिलाдиган суртмалар ёрқиларига ҳам ёлгон-яшиқ гаплар битилган. Бундай препаратларнинг ўнлаб тури мавжуд ва улар оғриқ қолдирувчи ёки тери қичишини кетказувчи хусусиятга эга холос. Бироқ ачинарлиси, у терининг сезувчанлик қобилиятини ошириб юборади.

Таркибидеа триклозан мавжуд бўлган антибактериал совун ҳақидаги рекламалар одамларни алдаётгани ачинарли. АҚШда олиб бoрилган узоқ йиллик тадқиқотларда анкиланишича, триклозанли совун билан оддий совуннинг ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Антибактериал, деб таъриф бoрилган бу совунлар бирор бир бактерияни ўлдириш қувватига эга эмас. Аксинча, ёш болаларда аллергик реакцияларни келтириб чиқариши тасдиқланган, дейиладди «Мир новостей» хафталигида чоп этилган ахборотда.

## Ҳамдард дельфинлар

«Аргументи ва факты» хафталиги хабар беришича, альтруизм (ўзим бўлай демасдан, бошқаларга яхшилик қилиш, гамхўрлик кўрсатиш) дельфинларда жуда ривожланганлигига олимлар бир неча йиллик кузатувларда амин бўлдилар.



Улар ўзининг қадрдон дўстларини жон-жаҳди билан ҳимоя қиладди, емишларини ўртада баҳам қиладди. Айниқса, гуруҳ бошлиғи оламдан кўз юмса, унга ҳамдардлик билдириб, бутун гуруҳдаги дельфинлар ўзларини кирғоққа отган ҳолатлар ҳам кузатилган.

## Ортиқча вазн

тўплашнинг олдини олади

Қаҳва таркибидеа хлороген кислота кўп миқдорда бўлиб, у кучли антиоксидант ҳисобланадиган ва организмнинг ортиқча вазн тўплашига яхшигина қаршилик кўрсатиши билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, олимлар таъкидлашча, у қонда глюкоза даражасини меъёрда сақлаб туриш хусусиятига эга ва жиғар фаолиятига куч бағишлайди.

Хлороген кислота, шунингдек, олмада, помидор ва саңратқи илдизидеа ҳам кўп бўлади.

## РЕКЛАМА

### «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 30 декабрь ва 2015 йил 6, 8, 13 январь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга тақлиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қайта қўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«KINDER FRUITS» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, концентратланган пюре ишлаб чиқариш	16 450 897 500,0	7 269 733,26
2	«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ	Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй	Пахта целлюлозаси ва этил техник спирити ишлаб чиқариш	59 142 493 600,0	28 997 104,14
3	«NAMANGAN QO'G'OLI» МЧЖ	Наманган шаҳри, Курувчилар кўчаси, 50-уй	Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш	3 970 500 000,0	1 802 969,76
4	«NUKUS AGRO» МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули	Томат пастасини ишлаб чиқариш	1 785 453 700,0	853 018,82
5	«ASAKA MAK» МЧЖ	Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй	Макарон ишлаб чиқариш	3 546 012 000,0	1 610 213,42
6	«VODIY MUZQAYMOG'» МЧЖ	Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй	Музқаймоқ ишлаб чиқариш	1 064 409 000,0	521 871,45
7	«KOSONSOY TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси	Трикотаж ипи, жунли ва ярим жунли матолар, аделлар ишлаб чиқариш	24 500 000 000,0	11 125 238,40
8	«NAM TEX» МЧЖ	Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-6 уй	Ип-калава ишлаб чиқариш	10 787 016 789,82	4 898 291,16
9	«NAMANGAN TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси	Ип-калава ишлаб чиқариш	62 941 505 000,0	28 228 561,11

#### Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бунан пули сифатида, қолган қисминини олди-сотиш шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти ҳўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бирйўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Узиллибанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлашти-

ришда зарур бўладиган давлат бoжи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдонини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

• юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

• жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрна-

тилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

• эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

• икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор тақлифлари;

• сотиб олиш тўловларининг тақлиф этиладиган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган улушлар бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизи миқдоридеаги закалат пулларини «Toshkent universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 923 918 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқоридеа кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида маз-

кур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо ўтказиш бошлангичдан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган қорхоналар билан уларнинг юқоридеа кўрсатиб ўтилган манзилига бoриб танишиш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган тақлифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).**

**Муурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**

**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru

**ГУВОҲНОМА № 005357**

## ТАДБИР

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг масъул ходимлари иштирок этди.

## Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга

Бугунги кунда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб вояга етказиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ижтимоий шериклик доирасида бажарилаётган ишлар ўз самарасини бераётди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, 2014 йилнинг 11 ойи давомида Фондинг тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1252 та қишлоқ ва 2696 та маҳалласидаги 23419 оиланинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит ва болалар соғлиғи ўрганилиб, 226403 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан аёллар 110276, болалар 62748, ўсмирлар 41131, эркаклар 11948 нафарни, ногиронлар эса 6561 нафарни ташкил қилди.

Аҳолига кўрсатиладиган тиббий-профилактика ёрдамини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга қўмаклашиш, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолининг саломатлигини муҳофазалашда ҳудудларга жўнатиладиган саломатлик поездларининг ўзига хос ўрни бор. Жорий йилда учта ана шундай сихат-саломатлик поездлари уюштирилди. Шу муносабат билан жойларда ташкил этилган саломатлик хафталиклари мобайнида аҳоли чўқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Жойлардаги тиббий-ижтимоий муассасалар ва эҳтиёжман оилаларга инсонпарварлик ёрдамлари топширилди.

Давра суҳбати якунида кириб келаётган 2015 йилнинг Президентимиз томонидан Кексаларни ёзозлаш йили, деб эълон қилиниши бу борадаги ҳамкорлик лойиҳаларини изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, ижтимоий шериклик муносабатларини чўқурлаштиришга тақозо этиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Тоштемур ХУДОЙКУЛОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

БОЛАЛАР СПОРТИ

# Ҳавас ва иштиёқ

## ўн ёшли Темур Азизовни чемпионлик сари ундамоқда

Бугун мамлакатимиздаги қайси спорт майдони ёки иншоотига борманг, катта ҳавас ва иштиёқ билан машғулларда қатнашаётган болаларни кўриб кўзингиз қувонади. Уларнинг орзулари билан қизиқсангиз, «Жаҳон чемпиони, Олимпия чемпиони бўлмақчман», дейишади.

— Ҳозирда тўрагимизда эллик нафарга яқин шогирдимиз кураш сирларини ўрганмоқда. Уларнинг орасида истеъдодлилари кўп, — дейди пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадиони қошидаги **юнон-рум кураши тўғрисидаги мураббийи Хайрулла Абдуллаев**. — Масалан, Исмоил Асанов, Сардор Зарифонов, Дийр Аҳмедов, Лазиз Омоновлар ўз вази тоифаларида ўсириллар ва ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионати, халқаро турнирлар

голлари бўлган. Яқинда яна бир истеъдодли шогирдимиз Абдулазиз Фуломқодиров (85 кг) ўсириллар ўртасида Белорусда ўтган нуфузли халқаро мусобақадан олтин медаль билан қайтди. Кураш залида. Машғулларни бошлашдан аввал мураббий ўз шогирдлари билан саломлашар экан, халқаро турнирдан галаба билан қайтган Абдулазиз Фуломқодировни ўз олдига чорлади.

Ғолиб шогирдининг кўлини сиқиб табриклади, бошқаларни ҳам ундан ибрат олишга чақирди. Ёш спортчилар Абдулазизни қарсақлар билан олқишлади. — Уч йилдан бери юнон-рум кураши билан шуғулланаман, — дейди **ўн ёшли Темур Азизов**. — Ҳозирда Миробод туманидаги 60-мактабнинг 5-«Д» синфида ўқияман. Ҳафтада уч кун дарслардан кейин шу залга машғулотга қатнаймаман. Оилада уч ўғилмиз. Акам Азизбек сузиш билан шуғулланади. Оиламизда сўхбатларимиз ҳам кўпинча спорт ҳақида бўлади. — **Нега айнан юнон-рум курашини танлагансиз?** — Уртокларимнинг кўпчилиги теннис ва футболга қизиқади. Менга эса кўпроқ юнон-рум кураши ёқади. Бу спорт тури билан жиддий шуғулланаман, келажақда жаҳон чемпиони бўлишни хоҳлайман. Икки йилдан бери болалар ва ўсириллар ўртасида ўтказилаётган шаҳар ва республика биринчиликларида иштирок этиб келяман. Ўтган йилнинг кузида болалар ўртасида 48 кг вази тоифасида ўтказилган республика турнирида ўзимнинг биринчи олтин медалимни қўлга киритдим. Бунақа совринлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бунинг учун, аввало, устозим Хайрулла Абдуллаевдан миннатдорман. Мени доимо қўллаб-қувватлаётган ота-онамга ҳам раҳмат айтаман. — **Ўзбекистонлик жаҳон чемпионларидан кимларни биласиз?** — Эркин кураш бўйича бир неча карра жаҳон ва Олимпия чемпиони Артур Таймазовни ҳаммамиз биламиз. Юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Дилшод Орипов, Олимпия чемпиони Александр Дуктуришвилига ҳавасим келади. Улардек бўлишим учун жуда кўп шуғулланиш кераклигини устозим доимо уқтиради. Биз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мен ҳам келгусида албатта жаҳон ва Олимпия чемпиони бўламан. Ёш ва умидли полвон Темур Азизовнинг беғубор



Салтанат ШОТЎЛАҒАНОВ оlingan сурат.

орзулари ҳақида эшитаркансан, унинг дадил ва бурро сўзларидан кўнглинг тоғдек кўтарилади. Зеро, эртанги кун полвонлари, бўлғуси жаҳон чемпиони ишонч ва қатъият билан сўзлайди.

**Эркин ХОЛБОБО,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ДИҚҚАТ, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



УАА оlingan сурат.

## «Биринчи рақамли хавфсизлик»

Эрта тонгда кўчаларни тўлдириб боғча ва мактаб томон кетаётган болажонларни кўрганда ҳар қандай кишининг баҳри-дили очилади, вужудини ажиб туйғулар қамраб олади. Фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етиши учун мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда барча шароитлар муайян этилган. Ўз навбатида ушбу таълим муассасаларида болаларнинг таълим-тарбияси билан бирга хавфсизлигини тўғри ташкил қилиш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари барча мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда бу борада қатор амалий ишларни олиб бормоқда. Туманимизда жойлашган мактабгача таълим муассасаларида «Биринчи рақамли хавфсизлик» мавзусида учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бундай учрашувларда мактабгача таълим муассасалари хизматчиларига ёнги хавфсизлигини таъминлаш йўлида бажаришлари лозим бўлган вазифалар тушунтирилмоқда ҳамда ёнги содир бўлганда қандай чоралар кўришлари ўргатилаётди. Бу каби тадбирлар болажонларнинг ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга ҳамда ёнги хавфсизликнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Бекжан ЖУМАНОВ,**  
**Мирзо Улуғбек тумани ИИБ**  
**ЎХБ инспектори, сержант.**

## Оловдан эҳтиёт бўлинг!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мамлакатимиз саноат корхоналари ичида алоҳида ўринга эга бўлиб, республикамизнинг иқтисодий тегна салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу заводда ёнги хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур корхонада углеводород ва нефть хомашёсини қайта ишлаш, ҳосил бўлган тайёр нефть маҳсулотларини сақлаш ва керакли манзилларга жўнатиш жараёнларида ёнги ва техника хавфсизлиги қондаларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Заводимизнинг асосий цехларидан бири ҳисобланган буғ ҳаво газ таъминоти цехида ёнги хавфсизлигини таъминлаш ишчи ходимларимиз учун энг устувор масала ҳисобланади. Чунки заводимизда суолтирилган ва газ ҳолидаги азот, кислород каби ёнги келтириб чиқариши мумкин бўлган қимёвий моддалар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, цехда заводнинг барқарор ишлаши учун ҳаво ва буғ тайёрланиб, керакли участкаларга жўнатилади. Мана шундай технологик жараёнларда ёнги хавфсизлиги қондаларининг бажарилишига эътиборсизлик билан қараш нималарга олиб келишини цех жамоаси жуда яқини тушунади. Ҳарбийлаштирилган ёнги хавфсизлиги отряди инспекторлари томонидан заводнинг ҳар бир ишчи-ҳодимларига ёнги хавфсизлиги қондалари ва усуллари ўргатиб келинмоқда. «Ёнги хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказайлик!», «Ишлаб чиқаришда ёнги хавфсизлигини таъминлайлик!», «Оловдан эҳтиёт бўлинг!» каби мавзуларда ишчи-хизматчилар билан сўхбатлар ва завод радиоузели орқали шу мавзуларда ходимларимизнинг чиқишлари ташкил этилмоқда. Ёнги ишчи-ҳаракатлар цехимизнинг ҳар бир ходимини фаолликка, ҳушёрликка ва оғоҳликка чорлайди.

**Олим АСРОРОВ,**  
**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи**  
**3-цех бошлиғи ўринбосари.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Электроманит мослашув маркази оғоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электроманит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН	ЎЗБЕКИСТОН
<b>Тошкент шаҳри,</b> Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 120-30-22.	<b>Навоий шаҳри,</b> Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
<b>Андижон шаҳри,</b> Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.	<b>Наманган шаҳри,</b> Марғилон кўчаси, 8-а уй, 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
<b>Бухоро шаҳри,</b> академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.	<b>Самарқанд тумани,</b> Ўрташиқ қишлоғи, ТРНС, тел: 230-64-80.
<b>Жиззах шаҳри,</b> Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.	<b>Термиз шаҳри,</b> 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.
<b>Нукус шаҳри,</b> Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.	<b>Гулистон шаҳри,</b> Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
<b>Қарши шаҳри,</b> 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.	<b>Фарғона шаҳри,</b> Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
	<b>Урганч шаҳри,</b> Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

## Ибратли умр

Инсоннинг умри қанча яшагани билан эмас, балки қандай ишларни амалга оширгани, қандай фарзандлар шогирдлар тарбиялагани билан ўлчанади, деган фикр нақадар ҳақиқатлигини фидойи олим, ЎзАДП аъзоси Шокир Тожибоев ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Пойтахтнинг «Самарқанд дарвозаси» маҳалласи кўчаларида тўп тегиб ўсган бола келажақда алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида таниқли олим бўлишини ким ўйлабди, дейсиз. У мактабни битиргач, алоқа политехникумига ўқишга кирди. Сўнг Новосибирск электротехника алоқа институтига йўл олди. Фаол ва аълочи талаба Одам-роботни, институт телемарказини яратишда қатнашди. 1960 йили институтни тамомлаб, радиоалоқачи муҳандис дипломи билан Тошкент телемарказида иш бошлади. Кўп ўтмай Москва электро-техника алоқа институти аспиранти сифатида илмий ишга қўл урди. «Лунаход-1»ни яратишда қатнашди. 1969 йили техника фанлари номзоди унвонига сазовор бўлган, ёш олим академиклар Г.Сагдеев, Ш.Воҳидов, Т.Ўйлушев, У.Ғуломовлар билан ҳамкорликда телемикроскоп ҳамда хозирги кунда кенг оммалашган мобил телефонлар ва планшетларда қўлланилаётган митти рангли видеокамера яратишда қатнашди.

Мамлакатимиз мустақил бўлган, у ўз тажрибаларини амалиётга кенг татбиқ қилиши учун катта имкониятлар яратилди. Ўз билганларини ёшларга ўргатиб, шогирдлари сафини кенгайтириди Тошкент телемарказида янги хоналар, рақамли телевидение сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшди. Тошкент Ахборот технологиялари университетида кафедра мудири, факультет декани бўлиб ишлаб, обрў-эътибор топди.

Шокир Тожибоев иккита монография, телевидение бўйича ўзбекча дарслик, 16 та ўқув ва 20 та услубий қўланма, 4 та иxtиро, 10 та фойдали тақлиф, 200 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи ва 16 та магистрик десертация ҳамда 150 дан зиёд диплом лойиҳаларига раҳбарлик қилди. Олимнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвонларига лойиқ кўрилган. Шокир Тожибоев ҳамон ўз касбига садоқат билан меҳнат қилмоқда. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**Умида ОРИПОВА,**  
**Тошкент Ахборот**  
**технологиялари университети**  
**катта ўқитувчиси.**  
**Сурейя РИЗАЕВА,**  
**ТАТУ телевизион технологиялар**  
**факультети талабаси.**

**MUASSIS:**  
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**ТАХРИР НАЙ'АТИ:**

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihididdin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Qabulxonа — 233-65-45**  
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**  
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:**  
**100000, Toshkent, Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

**Г — 1259**  
**13 138**  
**nuxxada bosildi.**

**Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari**  
O'ZA yakuni — 23.25  
Topshirilgan vaqti — 01.20

**Sotuvda kelishilgan narxda**

Navbatchi:  
**Toshtemir XUDOYQULOV**

Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Zafar BAKIROV**  
**Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6